


**Oriental Journal of Philology****ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**THE ROLE OF THE SHORT NOVEL (NOVELLA) GENRE IN EXPLORING THE HUMAN PSYCHE***Nilufar Erkinovna Turumova**Acting Associate Professor of the “Foreign Languages” Department  
Samarkand Campus of the University of Economics and Pedagogy**E-mail: [nilufarturunova@gmail.com](mailto:nilufarturunova@gmail.com)**Samarkand, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** novella, long short story (povest), genre, composition, irony, era, psyche, style, ideology.

**Received:** 23.12.25

**Accepted:** 24.12.25

**Published:** 25.12.25

**Abstract:** This article discusses distinctive concepts and principles in European and Uzbek novella writing, the developmental tendencies of the genre, and the modification of the novella form. It examines tradition and innovation in classical and Uzbek novella literature, George Orwell’s artistic explorations, and, more broadly, the internal structural elements of the novella’s poetics.

**ИНСОН РУҲИЯТИНИ КАШФ ҚИЛИШДА ҚИССА ЖАНРИНИНГ РОЛИ***Нилуфар Эркиновна Турумова**Иқтисодиёт ва педагогика университети**Самарқанд кампуси “Хорижий тиллар”**кафедраси в.б.доценти**E-mail: [nilufarturunova@gmail.com](mailto:nilufarturunova@gmail.com)**Самарқанд, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** қисса, повесть, жанр, композиция, киноя, давр, рухият, услуб, мафкура.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Европа ва ўзбек қиссачилигидаги ўзига хос тушунчалар, ақидалар, жанрининг тараққиёт тенденциялари, қисса модификацияси ҳақида сўз боради. Мумтоз ва ўзбек қиссачилигида анъана ҳамда новаторлик, Жорж Оруэллни бадиий изланишлари, умуман, қисса бадииятидаги жанрий ички тузилишлар муҳокама қилинади.

**РОЛЬ ЖАНРА ПОВЕСТИ В ИССЛЕДОВАНИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОЙ ПСИХИКИ**

**Нилуфар Эркиновна Турумова**

*Исполняющая обязанности доцента кафедры «Иностранные языки»*

*Самаркандского кампуса Университета экономики и педагогики.*

*E-mail: [nilufarturunova@gmail.com](mailto:nilufarturunova@gmail.com)*

*Самарканд, Узбекистан*

---

## О СТАТЬЕ

---

**Ключевые слова:** повесть, жанр, композиция, ирония, эпоха, психика, стиль, идеология.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются своеобразные понятия и воззрения в европейской и узбекской повестевой литературе, тенденции развития жанра, а также модификации повести. Обсуждаются традиция и новаторство в классической и узбекской повестевой прозе, художественные поиски Джорджа Оруэлла и, в целом, внутренняя жанровая структура поэтики повести.

---

Инсон рухияти билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатда кулги, ҳазил, мутойиба барчасида ягона эстетик мезон ўз ифодасини топади. XX аср ва ундан олдинги асрларда ҳам ҳаёт ҳақиқатини, инсоният дарду изтиробларини кулги, ҳазил ёки мутойиба йўли билан фода этиш муҳим аҳамият касб этган. Чунки инсон ҳар қандай вазиятда ўз даврининг, маконининг, олаётган нафсининг тафти шуқуҳини жуда яхши ҳис қилишади. Ўзидан олдинги салафлари етиб келган манзиллару маконларни англадиш йўлида жон куйдиришади. Булар муҳаббат билан, ички соғинч, ўзаро ҳурмат юзасидан талқин этилади. Инглиз адабиётида ҳам, ўзбек адабиётида ҳам кулги ва ҳазил-мутойиба кўринишида қатор романлар, ҳикоялар, қиссалар, драмалар бошқа жанрлардаги асарлар яратилди. Буларнинг барчасида ҳаётнинг пасту паланди, оғриқлари, изтироблари, энг муҳими муаммолари ўз тасдиғини топди.

XX асрнинг бошларида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият то аср сўнгига қадар ўнганмади ҳисоби. Биргина асрнинг ўзида иккита жаҳон уруши, миллатлар ва элатлар орасидаги тенгсизлик, йўқотишлар, қувғинлар, кўчишлар ҳамда бошқа кўплаб масалалар бадий адабиётда янги бир ифоданинг юзага келишига сабаб бўлди. Бундай пайтда инсон ҳамиша ўз эҳтиёжи ўлароқ “кун кўриб қолиш” истагида қадам ташлайди. Дейлик қисса жанри ҳақида ҳам шу гапни келтириш мумкин. Қисса жанри ҳамиша ўзининг қисқа ва ифоданинг қабариклиги, қўйилаётган масаланинг актуаллиги билан ажралиб туради. Масалан ҳикоядан катта, романдан кичик бўлгани учун ўрта эпик жанрлар сирасига киради.

Адабиётшунос олимлар қиссага берган таърифида ҳам қуйидаги масалаларни ифода этган. “Ўзбек мумтоз адабиётида маълум даражада повесть ва ҳикояга ўхшайдиган асарлар бўлган. Чунончи, “Қисаи Рабғўзий”, “Мажлисийнинг “Қисаи Сайфулмулук” сингари

асарлари ўзларининг эпик хусусияти, воқеаларга бойлиги билан повесть жанрига бирмунча яқин туради. Бироқ улар асос эътибори билан назмда ёзилганлиги ёки ўзларида, ҳам наср, ҳам назм унсурларини бирлаштирганлигига кўра кўпроқ поэмага яқин туради. Ёзувчи Садриддин Айнининг “Бухоро жаллодлари”, “Одина”, “Судхўрнинг ўлими”, Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон”, Ғафур Ғуломнинг “Нетай”, “Ёдгор” сингари асарлари унинг дастлабки намуналари ҳисобланади.” , - дея ёзади, проф.Э.Худойбердиев. Шунинг қайд этиш лозимки, повесть ҳам, қисса ҳам, пэома ҳам, эпик турнинг тарихий тараққиёти, масалага қайси йўсинда ёндошилгани, унинг бир-бирини тўлдирувчи хусусияти негизида шаклланди. Айниқса, эпоснинг барча ҳужайралари адабий турда ҳозиргача сақланиб қолгани, модернистик, ҳажвий ёки символистик, реалистик асарларда турлича шаклларда инкишоф этилгани билан белгиланади.

Айрим дарсликларда, адабий манбаларда, олимларнинг тадқиқотларда қисса ва повестни алоҳида жанр сифатида белиглашган. Бироқ барчасида воқелик муаллифи аниқ, уни ифодалаш эса услуб билан боғлиқ ҳолда юзага чиқишини эътироф этишади. Шу боисдан, ҳар қандай жанр ижтимоий келиб чиқиши, тараққиёти, фабула ва сюжетнинг ривожини энг қадимга оғзаги ижод намуналари, Ислом кириб келгандан кейин Қуръони каримда нозил бўлган суралар, оятларда акс этиши билан ҳам боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда. Диний-тасаввуфий йўсиндаги “Саодат асри қиссалари” ёки модернистик йўсинда рамзий-мажозий қиссалар, киноявий-пародик усулда давр ҳамда замон муаммоларини енгил ҳазил, мутойбага олган қиссаларни аниқлаб олишда масаланинг тагига кириш мумкин.

“Янги адабиёт –янги қаҳрамон билан пайдо бўлади дейди немис шоири И.Бехер. Шу фикрни бироз ўзгартирган ҳолда айтиш мумкинки, янги жанрни янги мазмун яратади, шу қатори қаҳрамон ҳам. Чунки ғоя ва бадиийликни асар жанридан, унинг ўзига хос хусусиятларидан ажратиб бўлмайди. XX аср бошларида давр ғоялари, маърифатпарварлар мафкураси, фалсафаси, орзу-умидлари, ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларнинг бадиий акс эттирилиши – ўзбек адабиёти учун янги бадиий шакллари, Европа типидagi эпик жанрларни юзага келтирди. Европа типидagi жанрлар асосан, ўзбек адабиётида, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб пайдо бўлди. Эпик жанрлар системаси эса инқилоб арафасидagi маърифатпарвар адабиётда яратила бошланди” . Келтирилган манбадан англашиладики, Европадан кириб келган адабий жанрлар ҳамиша даврнинг эҳтиёжи, оғриқлари ва муаммоларини ҳал қилиш йўлидаги уринишлар замирида пайдо бўлганлиги аёндыр. Чунки ёзувчи санъати, изланиши, бадиий маҳорати билан ўз олдига қўйган катта ўзгаришларни англаши, атроф-жавонбдаги бўлаётган воқеа-ҳодисалардан теран хабордор бўлиши муҳимдыр. Ёзувчи Жеймс Жойс, Жорж Оруэлл, Ф.Кафка, А.Камюларнинг изланишларида ана шу хусусият ранг-баранглик касб этади.

“Қисса жанрига доир назарий-илмий қарашларни давом эттириб, шуларни ҳам аниқлаб олиш шарт бўлади. 1905-1917 йиллар адабиётида “рўмон”, “рўмон рисолача”, ҳикоя, “хаёлий ҳикоя”, “фильтун”, очерк, мақола, латифа, эртак ва бошқа жанрларда ёзилган асарлар Шарқ ва Ғарб адабиётининг бадиий тажрибалари таъсирида ҳамда ўзбек ва рус адабиётининг бадиий ютуқларини ўзида мужассамлаштириши натижасида пайдо бўлди”, - деган қарашлар ҳам юқоридаги мулоҳазаларимизни аниқлашда қўл келади. Шунингдек, қиссанинг тарихий тараққиёти, Европадаги қиссагўйлар, улар олиб борган бадиий изланишлар ҳозирга қадар ўзбек адабиётида қисса-ҳикоят тарзида ҳам бўй кўрсатаётгани сир эмас. Исажон Султоннинг “Онаизорим”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, Лукмон Бўрихоннинг “Бир томчи ёш”, Қуёш ҳали ботмаган“, “Сирли муаллим” қиссаларидаги турли хил ифода усуллари биз олдимизга қўйган мақсад ҳамда вазифаларнинг назарий жиҳатдан асосланишига замин бўла олади. Инглиз насрида Жеймс Жойс, Жорж Оруэлл, Францияда Алберт Камю, Олмонияда Франц Кафка, Латин Америкасида Пауло Коэло қиссаларида мавзулар, одамлар характери, олиб чиқиладиган муаммо, масалалар турфалиги билан жуда катта тафовутланишни юзага келишига имкон берган.

Проф.Ш.Ботирова ёзишича: “Мумтоз ва шарқ қиссагўйлари яратган қиссаларда кўпроқ дидактика, насиҳатомуз масалалар орқали воқеликни баён қилсалар, рус ва жаҳон модерн қиссаларида анъанавий, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан рамзий-мажозий ифода модуллари ўз ифодасини топади. XX асрнинг 30-йилларида эссе-қиссалар (автобиографик мемуар) юзага чиққан бўлса, 90-йилларга келиб тарихий-психологик қиссалар ўзининг янги бир иқлимни бошлаб берди. Айни пайтда, мазкур қиссаларда инсон феномени, замоннинг муаммолари кодлар ёрдамида талқин қилинди. Буларни – ноанъанавий қиссалар деб аташ тўғри бўлади.”. Бинобарин, қисса бадииятидаги бундай тавсифлаш ҳам даврни, ҳам ёзувчи қўллаган услубий ифода яхлитлигини аниқлашда муҳим бўлади. Демак, анъанавий қиссаларда – киноявийлик модуси билан, ноанъанавий қиссаларда – модернистик усул яхлитлашуви юзага чиқиши тайин.

1500-1700-йилларга қадар инглиз насридаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт Жонатан Свифт, Даниэль Дефо қиссаларида, романларида “кулги замиридаги йиғи” формуласи негизида янада барқарорлашди. Мураккаб синтезлар, образлар, одамларнинг дарду ташвишлари, сиёсатнинг мафкуравий жиҳатдан қуролланиши, ёки адабиётнинг тўлақонли сиёсатга бўйин сундирилиши томонидан айни ранг-баранг услубий-шаклий ифодаларнинг пайдо бўлишига имконият яратилди.

Инсон шахсияти, насл-насаби, орзу-умидлари, идрок этилаётган муаммоларга жавоб бериш, англаш ҳамда уни англатиш жабҳасидаги уринишлар ҳамиша ёзувчи ижодий

инкилоб ясай олгандагина содир бўлади. Инглиз адабиётидаги ривожланиш, тараққиётга эришиш озми-кўпми катта йўқотишларни ҳам сабр-бардош билан енгиб ўтишга олиб келди. Натижада, Жеймс Жойс ва унинг салафлари олиб борган поэтик изланишлар ҳаёт ҳақиқатини – рамзларда, метафораларда ифодалаш йўлида катта изланишларни бошидан кечирди. Жеймс Жойс – Жорж Оруэллга, улар ўзбек адабиётига ҳам шакл, ҳам услуб, ҳам ифода маданияти ўзига хослигидан адабий таъсир кўрсатгани айтиш ҳақиқатдир.

Ирланд ёзувчиси, шоири, драматурги Беккет худди Жеймс Жойс билан бирга яшаб ижод қилади. У “абсурд театри” асосчиси. “Годони кутишяпти” пьесасида – абсурдни ифодалайди. Аслида ҳаётнинг ўзи сароб. Беъмани, уни тугал мазмун билан ўтказиш инсонни ўзига боғлиқ деган хулосага келади. Жеймс Жойс, Жорж Оруэлл, Лотин Америкалик Хорхсе Луис Борхесларнинг бир-бирини тўлдирувчи концептуал ижодий тафаккури ва фалсафаси айтиш таъминини илгари суришга етаклайди. Дунё ҳар бир даврнинг ўз ёзувчиларини, олимларини, файласуфларини етиштиради. Жорж Оруэллар ҳам шу даврнинг метаморфозасини (киноявий-пародик) талқин қилишга катта замин ҳозирлади. Бу метаморфоза ҳаётнинг ўзидек гўзал ва ранг-баранг бўлибгина қолмай, айтиш чоғда катта бир умумлашмаларни юзага чиқишида муҳим роль ўйнайди.

Қисса жанри ва унинг поэтик ифодаси борасида яна қуйидаги масалаларни ҳам келтириш жоиз деб ўйлаймиз. Бадиийликни юзага чиқаришда муҳим роль ўйнайдиган асосий мезон – ёзувчини яратувчанлигидадир. Ёзувчи ёки шоир яратувчанлик билан ҳаёт материални муҳаббат ила ёндошса, қалбидаги изтиробларини муайян концепцияда ифодалашга диққат қаратса ана шу ерда залвор, бадиийлик юзага чиқади. Залвори, ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган битиклар асрлар этса ҳамки, қаримайди, назардан чеккага чиқмайди. Проф.Б.Саримсоқовнинг мулоҳазаларида бу қуйидагича ифода этилган: “Ҳақиқий санъат асари табиат яратган мўъжизалар каби ҳамиша бизнинг ақл-идрокимиз учун беадад сирли моҳиятга эга бўлиб қолаверади. Ана шу моҳиятга етиб бориш учун ижодкор яратган характерда акс этган идеал ва ана шу характер кечинмалари, хатти-ҳаракатида ифодаланган маънони белгилаш, қолаверса, асардаги образларнинг ташқи ва ички қиёфасининг гўзаллик қонуниятларига қай даражада мос келишига қараб баҳолаш керак бўлади. Чунки ҳақиқий бадиий асар алоҳида олинганда тўла мустақил ва ўзгалар таҳлилига осонликча талқинга берилмайдиган юмук ҳолда бўлади. Кўпинча, ижодкор табиатга тақлидан ижод қилади, табиатдан илҳом олади, нусха олади ва у билан қўшилиб кетади, деймиз. Ҳақиқий ижодкор ўзининг эстетик дунёсини, салтанатини яратиб олмоғи шарт. Агар у табиатга тақлид қилиб, унга уйғунлигини йўқотиб бутунлай бирикиб кетса, уни ижодкор санаб бўлмайди” . Бинбарин, бадиийлик шартларида, мезонларида бундай

ифодалар бўлмоғи, ёзувчи туғма маҳорати билан иш кўрсатмоғи лозим. Шундагина у ўз олдига қўйган мақсадга тўлақонли эриша олади.

Инглиз ва ўзбек қиссанавислигида бадий-шаклий, услубий-ижодий изланишларни куйидаги 5 та таснифда аниқлаб олиш зарур. Булар:

1. 1700-1900 йилларда яратилган инглиз адабиётида қиссагўйлик, воқеанавислик, қахрамонларни кулги, сарказм, ҳазил-мутойиба билан ёритиш урф бўлган эса-да, саргўзаштлилиқ типидagi асарлар жуда кўпчилиқни ташкил этган.

2. 1900-йиллардан кейинги яратилган қиссаларда қахрамонлар бир вақтнинг ўзида бой, камбағал, жамият ҳаёти билан шуғулланувчи сиёсатчи, кўчиб юрувчи, тайини йўқ одамлар руҳиятини акс эттирганилиги билан ажралиб туради.

3. Ўзбек адабиёти эса фольклор анъаналарни давом эттириб, маърифатпарварлик, хонлар ва ҳоконларнинг қилган хатолари, рус босқинчилигидан кейинги халқ ҳаёти, диндорлар, амалдорларни кулги остига олиш, уларни ҳажв қилишда эпик, лирик турдан унумли фойдалангани сир эмас.

4. Ўзбек қиссанавислари яратган ҳазил-мутойибалар, А.Қодирий, Чўлпон, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом ва 60-йилларда О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Умарбеков, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимовларни қайта-қайта қўл урган давр манзаралари сифатида англаш мумкин.

5. Инглиз адабиётида киноявий-пародик, пичинг ҳамда кесатиклар XX аср остонасида Ж.Жойс, Ж.Оруэлл ва бошқа носирлар ижодида қабариб ўқринади. 90-йилларга келиб ўзбек адабиётида Н.Эшонқул, Л.Бўрихон қиссаларида мавжуд анъаналар Ғарбу Шарк ифодаларини уйғунлашган кўринишида зоҳир бўлди десак, ҳақ гапни айтган бўламиз.

**Хулоса** шуки, инсон идроки ва ўй-хаёллари билан суғорилган бадиият намуналари ҳамиша реалиқддан йироқ бўлади. Ўзлари тўқиб чиқарган сиёсий-ижтимоий талқинларда ҳамиша давр руҳи, юки, оғриқлари ифодаланганлигида деб, тушуниш мумкин. Шунини қайд этиш лозимки, ҳар қандай бадий идрок инсон кечинмаларининг бир томонинигина ифодалади. Натижада ҳар бир поэтик талқин умуминсоний муммоларга бориб туташмас экан, уни ҳар жиҳатдан назарий-асослаш қийин кечади. Жорж Оруэлл ва Луқмон Бўрихон ижодида киноявий-пародик усул ўзига хослиги ҳар бир давр учун муҳим бир масалани ёритганига шак-шубҳа йўқ. Муҳими инсон концепцияси модернистик, постмодернистик йўсинда аллегорик аҳамиятга эгадир. Айни чоғда, ҳар бир талқин негизида собиқ иттифоқни чиркин иллатлари эмас, бутун дунёга илдиз отиб бораётган тоталитаризмнинг у ердаги одамлар руҳият синишига замин бўлган ҳаёт кечинмалари ўз тасдиғини топади. Ахир, кундан-кун дунё янги бир муаммолар, касаллик билан бетоб бўлмоқда. Булар юз, эллик йил олдин айни бюрократияни танқид қилиб, собиқ иттифоқ найранглари ўз асарларида тўла-тўқис ёритиб бера олганди. Жеймс Жойс ҳам, Жорж Оруэлл ҳам масалага

турли нуктадан ёндаша олди. Сиёсат билан жиддий шуғулланган адиблар вақтида ўз сўзини ҳам, фалсафасини ҳам, асл ниятини, эзгуликнинг қачондир ғалаба қозониб, одамлар эмин-эркин яшаши муҳимлигини исботлаб ҳам бера олди. Булар ўз сўзида собит қолган ёзувчилардир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Т: “ШАРҚ”. 2008. -Б. 248.
2. Адабий тур ва жанрлар. –Т: “ФАН”. 1991. –Б.111-112.
3. Адабий тур ва жанрлар. 3-жилдлик. 1-жилд. –Т: “Фан”. 1991. –Б.113.
4. Ботирова Ш. “Ҳозирги замон насрида нореалистик қиссалар бадиияти: услуб, жанр ва хронотоп талқини” филология фанлари доктори. диссертация. Жиззах. 2024 йил. – Б.21.
5. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Т: “Book many” print. 2022- Б.86.
6. Мирвалиев, М. Ўзбек насрининг поэтикаси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
7. Назаров, Б. Бадиийлик ва ҳаёт. — Тошкент: Ёзувчи, 1983.
8. Қуронов, Д. Адабиётшунослик асослари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
9. Ёқубов, У. Қисса жанрининг тараққиёти ва хусусиятлари. — Тошкент: Мумтоз сўз, 2015.
10. Тўхтабоев, Х. Қисса жанрида образ яратиш маҳорати. — Бухоро: БухДУ, 2019.